DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7681005 Pages: 748-754



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



Давлат фуқаролик хизматчиларнинг сиёсий имиджи

Отабек ФАЙЗУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти кадрлар бўйича бош инспектори

Kalit so'zlar: *давлат фуқаролик хизмати, сиёсий имидж, жамият, давлат бошқаруви, одоб-ахлоқ ва касбий тамойиллар.*

Annotatsiya: *Мақолада давлат хизматчилари сиёсий имиджининг хусусиятлари, унинг шаклланишига таъсир қилувчи баъзи омиллар тадқиқ этилган. Шунингдек, замонавий дунёда давлат хизматчисининг имиджи ҳар қандай давлат бошқаруви самарали фаолиятининг муҳим ва ажралмас қисми эканлиги ёритилган.*

The political image of the civil service

Key words: *public civil service, political image, society, public administration, ethics and professional principles.*

Abstract: *The article discusses the features of the political image of civil servants, some of the factors influencing its formation. It is also emphasized that in the modern world the image of a civil servant is an important and integral part of the effective operation of any public administration.*

Политический имидж государственных гражданских служащих

Ключевые слова: *государственная гражданская служба, политический имидж, общество, государственное управление, этика и профессиональные принципы.*

Аннотация: *В статье рассматриваются особенности политического имиджа государственных служащих, некоторые факторы, влияющие на его формирование. Также подчеркивается, что в современном мире имидж государственного служащего является важной и неотъемлемой частью эффективной деятельности любого государственного управления.*

Бугунги кунда давлат институти жамият ва оммавий ахборот воситалари доимо диққат марказида. Шунинг учун ҳам давлат хизматчисининг сиёсий имиджи – фаолият олиб бораётган маълум бир давлат органининг юзи ҳисобланади. Давлат фуқаролик хизматчисининг имиджини ижобий ёки салбий шаклланишига ижтимоий, психологик, ахлоқий ва ҳуқуқий омиллар таъсир қилади. Мазкур жиҳатларнинг ҳар бири давлат хизматчиси учун муҳим, чунки бу унинг шахсий ва касбий фазилатларини ўзида акс эттиради.

Сўнгги пайтларда "имидж" атамаси кенг тарқалган бўлиб, илмий муомала ва ОАВга мустаҳкам кириб бормоқда. Имидж муаммоларини тадқиқ этиш билан амалий психология, социология, сиёсатшунослик, педагогика, акмеология ва бошқа илмий фанлар томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Имидж яратиш бозори жадал ва динамик ривожланмоқда.

Бошқа томондан, имиджнинг пайдо бўлиши давлатчилик ривожи билан боғлиқ, бу ҳодиса жамиятнинг ижтимоий парадигмасида унинг ривожланишнинг барча босқичларида мавжуд бўлган. Масалан, ҳукмдорларнинг тахтга ўтираётганда ўзига танлаган номларидан ҳам билиш мумкин. Сиёсатчилар ҳар доим ўзларининг ташқи қиёфасига катта эътибор бериб келган. Масалан, Юлий Цезарь сочларнинг камлиги туфайли уни ниқоблаш мақсадида одатда лавр япроғи кўринишида ясалган олтин тождан фойдаланган [1. 182 б.]. Ҳатто Юлий Цезарнинг юқоридаги имиджи бугунги кунгача сақланиб қолган ҳайкалтарошлик намуналарида ҳам ўз аксини топган.

Имидж (инг. image, лот. imago — тимсол, кўриниш) — шахс, ҳодиса, нарсанинг оммалаштириш, реклама қилиш ва бошқа мақсадларда одамларга ҳиссий-руҳий таъсир кўрсатишни кўзлаб шакллантириладиган қиёфаниси,тарғиб қилиш воситаларидан бири [2].

Давлат хизматчилари бажарадиган муҳим вазифалардан бири бу давлат ва жамият ўртасидаги воситачиликдир. Демак, жамият ва ҳокимият ўртасидаги муносабатлар мувофиқлаштирилган ва умумий манфаат ва муаммоларга йўналтирилгандагина давлат хизмати самарали бўлиши мумкин [3. 142 б.]. Бу эса давлат хизматчисининг сиёсий имиджини шакллантириш муҳимлигини тасдиқлайди.

Тадқиқотларга кўра, давлат хизматчилари имиджининг шакллантиришнинг иккита асосий замонавий усули мавжуд бўлиб,

биринчиси табиий усул, иккинчиси эса сунъий усулдир. Табиий усул – давлат хизматчисининг аҳоли, ҳамкасблари ва ҳатто қариндошлари билан ўзаро муносабати жараёнида ўзини намоён қиладиган анъанавий омиллар билан тавсифланади. Сунъий усул эса, имиджмейкерлар ва сиёсий технологлар томонидан шакллантирилади. Бу усул кийинишдан тортиб, нотиқлик санътигача қамраб олади.

Идеал давлат хизматичиси имиджининг стереотипик таркибий қисмига қуйидаги талаблар киради: профессионал, юқори малака, меҳнатсевар, ҳалол, масъулиятли, ақлли, қатъиятли, қонунларга амал қиладиган, моҳир нотиқ, оилапарвар ҳамда энг асосийси ватанпарвар бўлиши керак
[4. 80 б.].

Давлат хизматчисининг имиджига таъсир қилувчи асосий компонентлар: мулоқот маданияти, нутқ одоби, хулқ-атвори, кийим услуби каби кўрсаткичлар ҳисобланади. Бироқ, ҳар доим ҳам сезилмайдиган, аммо имиджни шакллантиришга катта ҳисса қўшадиган қўшимча компонентлар ҳам мавжуд. Қўшимча компонентлар давлат хизматчиларининг асосий бўлмаган фаолияти билан боғлиқ. Улар: оилалилиги, спортга бўлган қизиқиш, уй ҳайвонларига муносабат, севимли машғулотлар. Бу компонентлар давлат хизматчисининг ижтимоий имиджини ташкил қилади. Албатта, имиджнинг барча қўшимча компонентлари давлат хизматчисининг асосий фаолияти билан боғлиқ касбий хусусиятларининг ўрнини босмайди. Бироқ, улар одамларга давлат хизматчисини шахс сифатида яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Шуни таъкидлаш мумкинки, давлат хизматчисининг имиджи унинг касбий ва инсоний фазилатларини акс эттирувчи мақсадли образдир.

Бугунги кунда давлат хизматчисининг имиджи ҳар қандай давлат бошқаруви самарали фаолиятининг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, давлат хизматининг ҳар бир ходими давлатнинг расмий вакили сифатида олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширади. Ўз навбатида мамлакатнинг сиёсий йўналиши аҳоли ўртасида маъқулланиши ёки аксинча бўлишига давлат хизматчилари фаолиятининг ижобий ёки салбий имиджи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Россия Фанлар Академияси Социология институти томонидан
2005 йилда ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, респондентларнинг учдан икки қисми ҳукумат амалдорларини одамларга нисбатан бефарқлигини биринчи ўринга қўйган. Иккинчи ўринда коррупция,

учинчи ўринда эса давлат хизматчиларини мамлакат манфаатларига бефарқ деб ҳисоблашган [5. 149 б.]. Шунигдек, “Жамоатчилик фикри” фонди 2020 йил декабрь ойида ўтказган рус жамиятининг амалдорлар ва давлат хизматчиларига муносабати бўйича сўров натижаларини эълон қилди. Унга кўра, Респондентларнинг 61 фоизи Россиядаги амалдорларнинг фаолиятини ёмон деб топишди. Россияликларнинг катта қисми (74%) мансабдор шахсларга салбий муносабатда, фуқароларнинг учдан бир қисми (34%) давлат хизматчилари ўз вазифаларини 15-20 йил аввалгидан ҳам ёмонроқ бажарадилар деб ҳисоблашди. Шу билан бирга, Россияликларнинг 45 фоизи "мансабдор шахс, давлат хизматчиси" иборасига салбий муносабатда, яъни “мансабдор ёмон”, “ўғри”, “коррупционер”, “порахўр”, деган фикрда. Респондентларнинг атиги 19 фоизи давлат хизматчилари фаолиятини ижобий баҳолаган.

Шу билан бирга, респондентларнинг 69 фоизи давлат хизматини шарафли деб ҳисоблаган ва учдан бир қисми (32%) ўз фарзандларини давлат хизматида кўриш истаги борлигини билдиришган [6]. Бундан кўриниб турибдики, Россия фуқаролари давлат хизматини жозибадор ҳисоблайди, лекин давлат хизматчилари ҳақида фикри салбий. Бу эса давлат хизматчиларининг имиджи масаласида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар салмоқли эканлигидан далолат.

Давлат хизматчиларининг имиджининг ажралмас қисми бўлган ахлоқий тамойиллар бутун дунёда қабул қилинган одоб-ахлоқ меъёрларига асосланади. Улар: инсонпарварлик, ҳатти-ҳаракатининг мақсадга мувофиқлиги, ўзининг ва давлат хизматчиси алоқада бўлган бошқа давлатларнинг анъаналарига ҳурмат қилишдан иборат.

Замонавий жамиятнинг сиёсий воқелиги шундан иборатки, фуқаролар сиёсатчи ёки бошқа давлат арбоби билан шахсий алоқада бўлиш имкониятига эга эмас. У давлат хизматчиларини оммавий ахборот воситалари томонидан жамиятга тақдим этилганидек қабул қилади. Шу билан бирга, сиёсий имидж, биринчи навбатда, одамларга тушунарли бўлган у ёки бу психологик тип асосида қурилади. Кундалик фаолиятда одамлар ҳар бир давлат хизматчисининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга вақти ҳам хоҳиши ҳам йўқ. Шунинг учун одамлар уларни маълум бир стереотипик хусусиятларнинг тайёр мажмуи сифатида қабул қилади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ОАВнинг ноҳолис, масаланинг моҳиятига етмасдан бир томонлама тарқатилган маълумотлари жамиятда давлат хизматчиларининг имиджига салбий таъсир қилишини ҳам инобатга олиш зарур.

Замонавий шароитда давлат хизматчисининг ижобий имиджининг шаклланиш жараёни давлат органлари фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим қисмидир. Давлат хизматчиларининг қонунлар ва хулқ-атвор нормаларини, шунингдек, уларнинг хизмат вазифалари ва касбий бурчларига муносабатини қонун ҳужжатлари билан тартибга солиш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йил 8 августда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” ги Қонуннинг 17-моддасида “Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари” белгилаб берилган. Унга мувофиқ, “Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш уларни қонунга мувофиқ интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлади” [7] деб қайд этилган.

Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ ва касбий тамойилларига риоя қилиши, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариши, узлуксиз малака ошириш ва шахсий ўсиши давлат хизматчисига жамият томонидан қўллаб қувватланишига ва имиджини янада яхшиланишига имкон беради.

36 миллиондан зиёд аҳолиси бўлган Ўзбекистонда бугунги кунда 110 мингдан кўпроқ давлат хизматчилари меҳнат қилмоқда. Аҳоли ҳаётини енгил қиладиган, кайфиятига бевосита таъсир кўрсатадиган давлат хизматини ислоҳ қилиш ҳамда бошқарувда натижадорлик ва сифатни ошириш масалаларида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнги йилларда давлат хизматчилари халққа анча яқинлашди, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизими йўлга қўйилди. Ходимларга самарали ишлаши учун муносиб шароитлар яратиб борилмоқда. Натижада, давлат хизматида 40 ёшгача бўлган ходимлар улуши 61 фоизга етди (илгари 37 фоиз бўлган). “Шу билан бирга, давлат хизмати чинакам халқни рози қиладиган тизимга айлангани йўқ. Мисол учун, ўтган йили Халқ қабулхоналарига вазирликлар ва ҳокимликлар ходимларининг билимсизлиги ва масъулиятсизлиги ҳақида 25 мингта, уларнинг мулоқот маданияти етишмаслиги билан боғлиқ 7 мингта шикоят келиб тушган. Соғлиқни сақлаш (10 мингта), Халқ таълими (4,5 мингта) вазирликлари, Қашқадарё (1 мингта) ва Сурхондарё (828 та) вилоятлари ҳокимликларида бу борадаги мурожаатлар сони кескин ортган” [8]. Бу маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, ахборотнинг аҳамияти доимий равишда ўсиб бораётган, уни қайта ишлаш ва узатиш жараёни тезлашиб бораётган, рейтинг ва шарҳлар маълум бир соҳанинг ривожланиш динамикасига тобора кўпроқ таъсир кўрсатадиган замонавий

дунёда давлат хизматчисининг имиджи диққат билан кўриб чиқилиши ва пухта такомиллаштирилиши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи давлат хизмати тизимига қўйиладиган юқори талаблар билан тавсифланади, унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятига боғлиқ. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, ўз навбатида, унга бўлган ишонч даражасига, уни муайян жамият аҳолиси томонидан қўллаб-қувватлаш даражасига боғлиқ бўлиб, бу кўп жиҳатдан давлат хизматчиларининг сиёсий имиджи билан белгиланади. Жамиятда шаклланган давлат ҳокимияти ва унинг вакиллари тўғрисидаги ижобий имидж давлат мафкураси тарғиботини соддалаштириб, давлат қарорларини тезроқ амалга оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, мамлакат аксарият аҳолиси орасида давлат хизматчисининг имиджидан келиб чиқиб, онгости равишда ҳамкорлик қилиш истагини келтириб чиқариши ёки аксинча бўлишига олиб келиши мумкин.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

[1]. Гринберг Т. Э. Политические технологии: ПР и реклама. М., 2005

[2]. Адилова, Л.Ф. Имидж государственного служащего: современные тенденции и противоречия / Л.Ф. Адилова // Государственная служба в современной России : сб. ст. / Рос. акад. гос. службы при Президенте РФ ; сост. : Е.В. Алферова, В.В. Черепанов. – Москва, 2003

[3]. Востряков Л. Е., Кашина М. А. https://www.researchgate.net/publication/272245927_Imidz_gosudarstvennoj_grazdanskoj_sluzby_preodolenie_stereotipov_The_Image_of_the_Civil_Service_Overcoming_Stereotypes.

[4]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 4 август куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 61 – сонли баёни. Тошкент 2022 йил 16 август.

[5]. Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” ги қонун. https://lex.uz/uz/docs/6145972
[6]. О.Н.Мирошниченко, М.В.Михайлова “Формирование позитивного образа государственного гражданского служащего: отечественный и зарубежный опыт” Вестник Чувашского университета. 2013. № 4.